



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 2 май, № 90 (7320)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХАЛҚИМИЗ ЭРТАСИДАН ЭМАС, БУГУНИДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, аҳоли билан мулоқот қилиш мақсадида 30 апрель — 1 май кунлари Сурхондарё вилоятида бўлди.



Ташрифнинг иккинчи куни Термиз шаҳрида халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтган сессияда вилоят фаоллари, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, нурунийлар, тадбиркорлар, фермерлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев сессияни очик мулоқот тарзида ўтказишни таъкид қилди.

— Ҳақиқий аҳволни гапирган одам бизга дўст. Учрашувимиз ҳамма масалаларни жой-жойига қўйиш бўйича фойдали бўлсин, — деди давлатимиз раҳбари.

Фойдали қазилмаларга бой, табиий iklim шароити йилга уч мартагача ҳосил олиш имконини берадиган аҳолиси меҳнатсевар Сурхондарё вилояти салоҳиятининг ҳали ўндан бири ҳам ишга солилмагани кайд этилди. Аҳоли жон

бошига ялпи ҳудудий маҳсулот мамлакатимиз кўрсаткичидан 2,3 баробар, хизмат кўрсатиш 2 баробар, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш 8 баробар кам экани кўрсатиб ўтилди. Вилоятда иқтисодий фаол аҳолининг 10 фоизи ишсиз, тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 54 фоиз экани танқид қилинди.

Шу каби масалаларни ҳал этиш, вилоятни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида 2019-2020 йиллар учун умумий қиймати 23 триллион 632 миллиард сўмлик 649 та инвестиция лойиҳаси режалаштирилган. 2,2 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, 11,5 миң иш ўрни яратиш мўлжалланган.

Сурхондарёнинг ўзига хос хусусияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, чет эл инвестициясини жалб қилган ҳолда замонавий корхоналар ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли ва маҳаллий бюджетлар даромадини кўпай-

тириш, ҳудудни комплекс ривожлантириш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилояти ҳокимининг иқтисодий ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари вазифини таъминлаш бўйича Тўра Боболов номзодини вилоят ҳокими лавозимига тавсия қилди.

Тўра Боболов 1970 йилда туғилган. Меҳнат фаолиятини Давлат мулк қўмитаси вилоят бошқармасида ҳисобчиликдан бошлаган. Кейинчалик Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси, вилоят ҳокимлигида ҳудудларни комплекс ривожлантириш бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлаган.

Халқ депутатлари Тўра Боболов номзодини маъқуллади ва у Сурхондарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Президентимиз Термиз шаҳридаги тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб

чиқарадиган "ZIF TEXTILE" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишиди.

Ушбу замонавий корхонани барпо этиш учун 2017 йили Термиз темир йўл шифонасининг қурилиши тугалланмаган тўрт қаватли биноси лойиҳа ташаббускорларига 16 миллиард сўм инвестиция киритиш шарти билан "ноль" харид қийматида берилган эди. Ўтган қисқа вақтда мазкур иншоотда йирик ҳажмда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Тикув чехлари, омборхона ва бошқа қўшимча хоналар бунёд этилди. Ишчиларнинг унумли меҳнат қилиши ва дам олиши учун зарур қулайликлар яратилди. Германия, Италия, Туркиядан замонавий тикувчилик дастгоҳлари келтириб ўрнатилди.

Йирик лойиҳани ишга тушириш учун 16,6 миллион доллар сарфланди. Унинг 10 миллион доллари тижорат банкнинг кредит маблағидир.

Давлатимиз раҳбари мазкур корхонада бўлиб,

тикувчилик маҳсулотларини кўздан кечирди, ишчи-хизматчилар билан суҳбатлашди.

Президентимиз бу каби замонавий корхоналарни кўпайтириш орқали пахта хом ашёсини қайта ишлашни, тайёр маҳсулот экспортини кенгайтириш зарурлигини қайд этди.

Лойиҳа ишга туширилиши билан 1000 та иш ўрни яратилди. Корхона жорий йилда 29,4 миллион доллар қийматидаги болалар ва катталар кийими, жинси шим каби тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва 8,8 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилишни режалаштирган. Келаси йили бу ерда 38,2 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади ва унинг қарийб ярми чет эллик буюртмачиларга етказиб берилади. Шу тариқа 2021 йилда корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 49,6 миллион долларга етади, йилга 34,7 миллион долларлик тайёр маҳсулот экспорт қилинади.

Давлатимиз раҳбарига Термиз шаҳридаги "Nova phant" Ўзбекистон — Хиндистон фармацевтика қўшма корхонаси, Термиз шаҳрининг бош режаси, Термиз туманидаги Султон Саодат зиёратгоҳини таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш, шунингдек, вилоятга инвестиция киритишга масъул этиб белгиланган мамлакатимизнинг Австрия, Тожикистон, Япония ва Афғонистондаги дипломатик ваколатхоналари кўмағида амалга ошириладиган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Шу ерда "Киномобиль" — Ўзбекистондаги биринчи инновацион кинотеатр лойиҳаси тақдими ўтказилди. MAN автомобилга ўрнатилган мобиль кинотеатр вентиляция, иситиш-совитиш тизими билан жиҳозланган. Томошабинлар фильмларни 2D ҳамда 3D форматда кўриши мумкин.

Инновацион мобиль кинотеатрни ишга тушириш учун 30 дақиқа кифоя қилди. Кўчма кинотеатр 80 то-

мошабинга мўлжалланган. Ушбу лойиҳа юртимизнинг олис ва чекка ҳудудларида яшовчи аҳоли, айниқса, болалар ва ўсмир-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, маданияти ва маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати ёшлар мазкур мобиль кинотеатрда "Экрандаги китоб" (экранлаштирилган бадиий асарлар) туркумида сеvimли фильмларни кўриш, ҳаҳон ва ўзбек адабиёти намоёндалари ҳаёти ҳамда асарлари билан танишиш, китоб ва фильм муаллифлари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имкониятига эга бўлади.

Ушбу инновацион лойиҳа Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббусга ҳамроҳандир. Яъни ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг мутлоғла меҳрини оширишга хизмат қилади.

"Cinema Servis" масъулияти чекланган жамияти бу лойиҳани Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан ҳамкорликда амалга ошироқда.

Президентимизга мамлакатимиз ҳудудларида замонавий кинотеатрлар тармоғини барпо этиш лойиҳаси тўғрисида ҳам маълумот берилди. Қуни кеча премьераси ўтказилган "Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий" ҳужжатли фильмий намойиш этилди. Бу фильм сурхондарёликларга Рамазон ойи тўхфаси сифатида вилоятнинг чекка ҳудудларида ҳам яна ўн кун намойиш қилиниши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари ҳудудларда замонавий кинотеатрлар тармоғини қуриш лойиҳасини ўз вақтида ва сифатли яқунлаш юзасидан топшириқлар берди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи аяқунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Тобора ривожланиб, чирой очиб бораётган жонажон Ватанимизда миллий ва диний қадриятларимизга бўлган ҳурмат ва эътиборни янада мустаҳкамлаш, эл-юртимиз учун азалдан эзгулик, саҳоват, меҳр-мурувват рамзи бўлиб келаётган муборак Рамазон ойини муносиб ўтказиш, ушбу ойда ислом динининг тинчлик, бағрикенглик, шукроналик каби олижаноб гоёлари ҳамда инсонпарварлик моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида:

1. 2019 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 6 май кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон муслмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуруний» жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини миллий анъана ва қадриятларимиз руҳида ҳар томонлама муносиб ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин. Бунда:

жойларда Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини эъзозлаш, ҳозирги тинч ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиш, одамларни бир-бирига яхшилик қилиш, аҳил ва ҳамжихат бўлиб яшашига давлат этадиган ҳамда улғайиб келаётган ёш авлодни она Ватанга садоқат, миллий ва диний қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган **маърифий тадбирлар ва тарғибот ишларини ташкил этишга:**

мурувват, аҳиллик ва ҳамжихатликни улғувовчи ушбу фазилатли ойда эҳтиёжманд ва ёрдамга муҳтож оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг зиёратгоҳларини, қабристонларни ободонлаштиришга қаратилган **тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин.**

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 1 май

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Жорий йил биринчи ярим йиллигида ЯИМ неча фоиз ошади?

Олий Мажлис Сенати қўмиталарининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда бир қатор вазирлик ҳамда идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Қўлга киритилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларнинг ечимлари билан боғлиқ тақлифлар ўртага ташланди.

Чунинчи, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг мажлисида Иқтисодий ва саноат вазирлигининг жорий йил биринчи чорагида олиб борган ишлари тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Вазирлик мутахассислари томонидан республиканинг асосий иқтисодий ривожланиш прогноз параметрлари тармоқлар ҳамда ҳудудлар кесимида мониторинг қилинган. Натжаларга кўра, шу йилнинг январь — март ойларига ялпи ички маҳсулот ўтган йилнинг мазкур давридагига нисбатан 5,3 фоиз ўсгани қайд этилди. Шунингдек, вазирлик томонидан 2019 йил II, III ва IV

чораклар бўйича прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган. Унга асосан, 2019 йилнинг биринчи ярим йиллигида ЯИМ ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 5,6 фоиз ошиши кутилмоқда. Май ва июнь ойларида пишиқчилик мавсуми бошланиши инфляция даражасини жилволашнинг асосий омилларидан бири бўлади.

Молия вазирлиги ҳисоботида эса бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланилишини аниқлаш бўйича камерал назоратни жорий этиш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўққизинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси 2019 йил 3 май куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2019 йил 2 май куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсидида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Т. А. БОБОЛОВНИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Тўра Абдиевич Боболов Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 1 май



Факт ва рақамлар

Сурхондарё вилояти

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил январ ойида Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида белгилаб берган тегишли топшириқлари ижроси юзасидан sanoat, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишларида умумий қиймати 3 триллион 12 миллиард сўмлик

423 та лойиҳа ишга туширилди.

Қарийб **7 миңга** иш ўринлари яратилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида:

ялпи ҳудудий маҳсулот — **3,4 фоиз,**
sanoat — **2 фоиз,**
қурилиш — **25,5 фоиз,**
хизматлар — **4,2 фоиз** ошди.

42 та лойиҳага **23,6 миллион долларлик** тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилинди.

Ҳудудий экспорт ҳажми **131,5 фоиз** бажарилди.

Олий Мажлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси олдида

Сенаторлар қандай ҳисоботларни эшитади?

Олий Мажлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси кун тартибига бир қатор долзарб янги қонунлар билан бирга, тегишли вазирлик ҳамда идоралар раҳбарлари, масъул мутасаддиларнинг ҳисоботларини эшитиш масалалари ҳам киритилган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" Давлат дастурининг 2019 йил биринчи чорагидаги ижроси юзасидан, Марказий банкнинг, Ҳисоб палатасининг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисида, шунингдек, Тошкент вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятига доир ҳисоботлари эшитилиши ва муҳокама қилиниши кўзда тутилган.

Банклар фаолиятига оид айрим саволларга жавоб олинади

Сенат ялпи мажлиси кун тартибига киритилган ҳар бир масала — долзарб. Марказий банкнинг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи кўмитамизда дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Албатта, ҳисобот даврида банк тизимини ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилган. Бу эса тизимда рақобат муҳитини яхшилаш, хусусий ва хорижий капитал иштирокини кенгайтириш орқали молия муассасалари фаолиятини бозор тамойиллари асосида ташкил қилиш учун қулай шарт-шароит яратилган. Натижада тижорат банкларининг умумий капиталли 6 трлн. сўмга ёки 29 фоиз ошди, 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра 26,7 трлн. сўмни ташкил этди. Устав капиталли эса 21 фоиз ошди, 19,7 трлн. сўмга етган. Бизни банклар устав капиталлидаги давлат улушини босқичма-босқич камайитириш, унда хусусий ва хо-

рижий капитал иштирокини кенгайтириш, тижорат банкларини, нобанк кредит ташкилотларининг тўлалигича бозор тамойиллари мувофиқ фаолият юритишини таъминлаш масаласи кизиқтиради. Масъулларнинг таъкидлашича, 2019 йилда Марказий банк томонидан пруденциал назоратнинг замонавий механизmlарини жорий қилиш борасидаги ишлар давом эттирилади. Бу масалага ялпи мажлисда янада аниқлик киритилади. Бундан ташқари, банкларро тўлов тизимининг бозор миқозлар учун кечаю кундуз ишлашини таъминлаш, миқоз ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда молиявий саводхонлигини ошириш орқали хизматлар оммабоплигига эришишга оид вазифаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Мухамет ЖУМАГАЛДИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси.

Олий Мажлис Сенатининг XIX ялпи мажлисида қуйидаги ҳисоботлар эшитилиши режалаштирилмоқда:

Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастурининг 2019 йил I чорақдаги ижроси тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2018 йилдаги фаолияти юзасидан;

Марказий банк бошқаруви раисининг Марказий банкнинг 2018 йилдаги фаолияти ҳақида;

Бош прокурорнинг прокуратура органларининг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисида;

Тошкент вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақида.

Рақамлар ва таҳлиллар муҳокама этилади

Ҳисоб палатасининг 2018 йилдаги фаолиятига оид ҳисобот кун тартибига яна бир муҳим масалалардан ҳисобланади. Уни кўмитамизда дастлабки тарзда муҳокама қилиш чоғида палата зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали амалга оширилиши Давлат бюджетини лозим даражада ижро этишга, бюджетдан ташқари жамғармалар фаолияти ва кредит ресурсларидан мақсадли фойдаланишга хизмат қилиши таъкидланди. Ҳисобот даврида бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушум-

ларнинг тўлиқлиги, уларнинг мақсадли шаклланиши ва самарали ижро этилишини таъминлаш, солиқ соҳасида ислохотларни амалга ошириш ва бюджетга қўшимча даромад келтирадиган захираларни аниқлашга эътибор қаратилган. Сенаторлар бу борадаги ишларни янада кучайтириш лозимлигини қайд этишмоқда. Айниқса, олтин-валюта захиралари ҳолати устидан мониторинг ва давлат назоратини амалга ошириш бўйича палата томонидан олиб борилаётган тизимли ишлар-

ини давом эттириш талаб қилинади. Бундан давлат ва ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг тўлиқ ва самарали ижро этилишига тўққизлик қилаётган тизимли камчиликларни аниқлаш ва уларни барқарор этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш лозим. Ҳисоботда келтирилган рақамлар ва таҳлиллар Сенат ялпи мажлисида яна бир қарра муҳокама қилинади.

Кобул ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Депутатлар — сайловчилар ҳузурини

«Обод қишлоқ» дастурига киритилган, аммо...

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳудудларда сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди. Уларда кўрилган долзарб масалаларнинг аксарияти тегишли идоралар кўмағида жойида ечимини топди.

Депутат Шухрат Тўхтабоевнинг Наманган тумани сайловчилари билан мулоқоти ана шулардан бири бўлди.

Депутат ҳар икки масалани маҳаллий ҳокимият билан биргаликда кўриб чиқиши ва бўйича туман ҳокимига депутатлик сўрови киритишини маълум қилди. Халқ вакили шу кунги шўркўргонлик сайловчилар ҳузурини ҳам бўлди. Яқинда фойдаланишга топширилган "Халқ кутубхонаси" билан танишди. Кўпчилик, хусусан, зиёлилар ва тадбиркорлар саъй-ҳаракати билан ташкил этилган зиё маскани турли номдаги 2000 дан ортиқ китоблар жамғармасига эга. Электрон адабиётлар ҳам етарли. Депутат кутубхонага энг ноҳир китоблардан тўхфа қилиш истағида эканлигини билдирди.

Қудратилла НАҲМИДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

Мактабда синфхоналар етишмайди

Косон туманидаги 62 та маҳалладан 36 тасида болалар боғчалари мавжуд эмас. Бу дегани, ўртача 300 нафардан ҳисоблаганда 10 мингдан ортиқ болалар боғча тарбиясини олмаётти. Аҳоли зич яшайдиган Майдабў, Дарча, Бешкўтон, Гага, Нурафшон, Обод, Ширинтепа маҳалларида болалар боғчалари йўқлиги туфайли 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган 3146 нафар болани мактабга таълим жараёнига қамраб олишнинг имкони йўқ.

Қўтепа маҳалласидаги 320 ўринга мўлжалланган 74-умумий ўрта таълим мактабига бугунги кунда 592 нафар ўқувчи таълим олади. Қарий икки баравар ортиқча юклама билан ишлаётган мактабдаги таълим жараёни қандай кечини тасаввур этиш қийин эмас. Синфхоналар, парта, стол-стулларнинг етишмаслиги боис мактабда дарс машғулотлари икки сменада ташкил қилинади.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ
(«Халқ сўзи»).

Хотин-қизлар бандлигини таъминлашга эътибор қаратилади

Депутат Аксавли Тумишова ўз мулоқоти давомида Зарафшон шаҳридаги "Шодлик" меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ўз шахсий кутубхонасидан келтирган китоблар тўпламини топширди. Шу баҳона муассасанинг педагогик жамоаси ва тарбияланувчилари билан ўтказилган суҳбатда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик, сўнги пайтларда унга киритилган ўзгаришлар хусусида сўз юритилди.

Шунингдек, 16-умумий ўрта таълим мактабидеги ўқувчи аёллар бандлиги масаласи кўтарилди. Бу бўйича шаҳардаги "АМЕСА Зарафшон текстиль" МЧЖ хорижий корхонасининг таъсисчиси Али Турек билан суҳбатлашди. Таъсисчи корхонада бўш иш ўринлари мавжудлигини билдириб, мурожаат этган аёлларни ишга қабул қилишга розилигини айтди.

Шунингдек, 16-умумий ўрта таълим мактабидеги ўқувчи жалб этилган мазкур даргоҳда 13 нафар тўғарак раҳбаридан бор-йўғи 2 нафаригина олий маълумотга эга. Буни умумтаълим мактаблари ва болалар бандлиги ижодиёт маркази педагоглари олийк машрабларига катта тафовут билан изохлаш мумкин. Шунингдек, марказда жой етишмаслигидан 26 тўғарак машғулотлари 7 та хонада олиб борилади. Учрашууда аниқланган муаммолар ўз тегишлилиги асосида мутаассид идоралар эътиборига ҳавола этилиши белгиланди.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади

Божхона терминалларини қуриш ишларини жадаллаштириш зарур

Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши куралиш қўмитаси мажлисида Давлат божхона қўмитаси фаолияти самардорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишни баҳолашнинг асосий мезонлари бўйича божхона органлари томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборот муҳокама этилди.

Биринчи чорақда Давлат бюджетига божхона тўловлари бўйича 3,4 трлн. сўм ундирилган. Утган йилнинг шу давридаги нисбатан ундирилган божхона тўловлари 936,7 млрд. сўмга ёки 37,6 фоиз ошган. Шунга қарамай, Давлат бюджетига ундирилаётган божхона тўловлари миқдорини янада ошириш ма-

товар ва автотранспорт воситалари сонини бир неча баробар ортди. Бу, ўз навбатида, чегара ўтқизиш пунктларини кенгайтириш ва реконструкция қилишни талаб этмоқда. Аввало, Тожикистон, Қирғизистон каби давлатлар билан чегара ўтқизиш пунктлари ҳудудларида божхона терминалларини қуриш ишларини жадаллаштириш зарурлиги айтилди. Ушбу масканларни замонавий назорат техника воситалари билан жиҳозлаш, хусусан, радиацион портал мониторлари ва инспекцион кўрик жамуалари билан таъминлаш лозимлиги таъкидланди.

30 та янги конни аниқлаш мақсад қилинмоқда

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан республика минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш бўйича 2019 йилда амалга ошириладиган геология-қидирув ишларининг дастури ишлаб чиқилиб, тасдиқланган. Мазкур дастур асосида йил давомида жами 388 та лойиҳа доирасида геология-қидирув ишларини бажариш кўзда тутилмоқда. Уларга 788 миллиард сўм маблағ ажратиш ҳамда йил якунига қадар олтин, қумуш, уран, кўрғошин, рух, мис, вольфрам, кварц хом ашёси, базальт каби 17 турдаги фойдали қазилма захираларини кўпайтириш режалаштирилган.

Бу ҳақда Аграр, сув ҳўжалаш масалалари ва экология қўмитаси мажлисида Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси масъуллари ахборот берди. Жорий йил якунига қадар амалга ошириладиган геология-қидирув ишлари натижа-

да 30 та янги конни аниқлаш мақсад қилинмоқда. Шу кунга қадар цемент учун оҳақтош ва бентонит гил хом ашёси бўйича 2 та янги кон топилган.

Урганишлар натижасида қўмита томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида бел-

Мунисхон КАРИМОВА.

Демократия тамойиллари асосида ўтказилмоқда



Мамакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги яна бир муҳим воқеага старт берилди, яъни кечадан бошлаб фуқаролар йиғинлари раислари (оқсқоллари) сайловларига киришди. Бир ой давомида республикамиз бўйича 9091 нафар маҳалла раиси сайланиши режалаштирилган.

Маҳалла сайлови

...Бўлиб ўтган қисқа суҳбатдан сўнг сайлов қўтиси ёнига биринчи бўлиб ёши улғу, шу маҳаллада кўп йиллар оқсқол сифатида ишлаган Файзулла ота Нарзуллаев келди. У кўлидаги бюллетенни синчиқлаб кўздан кечирар экан, 2 нафар номзоднинг исми-шарифи, тутилган йили ва бошқа маълумоти билан бирга, фотосуратларига алоҳида эътибор қаратди. Сўнгра бюллетенга белги қўйиб, ўз конституциявий бурчини адо этгач, бошқа вакиллар ҳам овоз берди.

Пировардида сайлов кутилганидан ҳам зийда ўтди. Унда қатнашган ҳар бир вакил мазкур тадбир юртимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа экани, унинг тўғри ташкил этилиши, шаффоф ва ҳаққоний ўтказилиши маҳалланинг ободлиги, оилаларнинг тинч-тотув яшashi ва жиноятчиликнинг олди олиниши каби муҳим масалалар ечимини таъминлашда катта аҳамиятга эгалигини теран тушуналганлигини амалда исботладилар.

Саноқ комиссияси яширин овоз бериш натижаларини эълон қилди. Унга кўра, 75 фоиз овоз олган Шукур Рустамов ушбу маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайлан-

ди. Маҳалладошлари уни бой ҳаётий таърибга эга, фидойи ва ташаббускор инсон сифатида яхши билишди ҳамда ҳурмат қилишди. У энди уч йил давомида маҳаллага етакчилик вазифасини бажаради. Ҳудудни ободлаштириш, аҳолининг бандлигини таъминлаш, оилавий бизнесни кучайтириш, қўни-

Абдумажидов. — Сайловда иштирок этиш мақсадида ўз номзодини кўйган 66 нафар фуқародан 38 нафарини сайловда қатнашини учун тавсия қилдик. Мана, дастлабки сайловни юқори савияда, демократия тамойиллари асосида ўтказиб олдик. Албатта, бугунги сайлов қўлганларини ҳам ана шу даражада

Бу тадбирнинг аҳамиятидан келиб чиқиб, унга пухта ҳозирлик қўрилди:

- 20 мингдан ортиқ овоз бериш кабиналари, 11 мингга яқин сайлов кутилари ўрнатилди.
- 11 минг нахсада чоп этилган ҳуқуқий қўлланма фуқаролар йиғинларига етказиб берилди.
- Жойларда ўтказилган 30 мингдан зийд тарғибот тадбирларига 2 миллиондан зийд кишилар қамраб олинди.

Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳридаги Олтинобод маҳалласида сайлов фуқаролар вакиллари иштирокида фаол тарзда ўтказилди. Аввалдан тузилган ишчи гуруҳи бу тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўрган эди. Ҳудуддаги академик лицей биноси сайловга мос қилиб безатилди. Ташриф буюрганлар кайфиятини кўтариш мақсадида халқ амалий

ташкил этиш ва ўтказишимизда намуна бўлиб хизмат қилади. Мазкур демократик тамойиллар Қорақалпоғистон Республикаси, Кегейли туманидаги "Нури бўстон" маҳалла фуқаролар йиғини етакчи-сини сайлаш жараёнида ҳам устуворлик қилди. Аввало, ҳудуддаги умумтаълим мактаби биноси ушбу тадбир учун ҳозирланди.

Раҳматилла ШЕРРАЛИЕВ,
Ҳидоят АҲМЕДОВ
(«Халқ сўзи»).

Л. САМИДИНОВА олган сурат.

Навоийнинг инвестициявий имкониятлари

чет эллик сармоядорларда катта қизиқиш уйғотмоқда

Бизнес форуми

Навоий вилоятида "Invest in Navoi" иккинчи халқаро бизнес форуми бўлиб ўтди.

Президентимиз жорий йилнинг 12-13 март кунлари вилоятга ташрифи чоғида воҳанинг салоҳияти ва имкониятлари, ишга солилмаган ресурслар, меҳнаткаш ва фидойи аҳолиси ҳақида тўхталиб, тадбиркорлик учун қулай шарт-шароит яратиш ҳамда худуднинг инвестициявий жозибдорлигини янада ошириш лозимлигини таъкидлаган эди. Шу мақсадда Навоий вилоятга эркин иқтисодий худуд мақоми бериш ҳамда Нурота туманидаги Фозгон қишлоғини sanoat шахрига айлантириш ташаббусларини илгари сурганди. Шунингдек, мазкур вазибалар ижросини таъминлаш мақсадида эса форумни

юқори савияда ўтказиш вазибаларини белгилаб берди.

Чиндан ҳам, Навоий мамлакатимизнинг йирик индустриал ва табиий хом ашё ресурсларига бой, бетакрор сайёҳлик салоҳиятга эга худудларидан бири ҳисобланади. Вилоятда кон-металлургия, кимё, энергетика, нефть-газ, машинасозлик ва қурилиш материаллари тармоқларининг дунёга машҳур sanoat корхоналари мавжуд. Эркин иқтисодий зона, интермодал логистика маркази, халқаро аэропорт, темир йўл ва автомобиль йўли тармоқлари маҳаллий тадбиркору хорижий инвесторларга ўз бизнесларини йўлга қўйиш ва ривожлантиришлари учун қулай муҳит яратмоқда. Айни пайтда "Навоий" эркин иқтисодий зона-



сида хорижий инвесторлар билан қўймати 144 миллион долларлик 21 лойиҳа устида иш олиб борилаётгани, "Навоий" халқаро аэропортида эса Европа ва Осиё давлатлари ўртасидаги йўналишларда йилига 300 минг тонна юкни қабул қилиш ва жўнатиш имконини

берувчи қуруқликдаги порт ярати-лаётгани фикримиз тасдиғидир. "Invest in Navoi" иккинчи халқаро бизнес форуми иштирокчилари анжуманининг дастлабки кунда "Навоий" эркин иқтисодий зонаси фаолияти билан танишдилар, вилоятнинг йирик корхоналарига

ташриф буюришди. Шу кунни Венгрия, Покистон, Бангладеш, Жазиорнинг мамлакатимиздаги элчилари, Афғонистон Ислам Республикаси элчисининг масла-хатчиси ҳамда Россия, Қозғоғистон, Канада ва бошқа бир қатор дав-латларнинг йирик компаниялари вакиллари вилоят ҳокими билан уч-рашиб, қўллаб соҳаларда ҳамкор-лик ўрнатиш, худудга инвестиция киритиш борасида музокаралар олиб борди.

Халқаро бизнес форумининг очилиш маросими Навоий шаҳри-даги "Ешлар маркази"да бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан вилоят ҳокими К. Турсунов ва бошқалар мамлакатимиз ижтимоий-иқтисод-ий салоҳияти, имкониятлар, тад-биркорликни янада равнақ топти-риш ҳамда инвестициявий жози-бадорлигини ошириш мақсадида тақдим этилаётган имтиёзларга алоҳида эътибор қаратди. Шундан сўнг форум иши "Навоий" эркин иқтисодий зонасида sanoat, кишлоқ ҳўжалиги ва туризм йўна-лишлари бўйича секцияларга бўлинган ҳолда давом эттирилди. Унинг доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан келган ишби-лармонлар хорижий компаниялар вакиллари билан музокаралар олиб боришди. Меҳмонлар вилоят туман ва шаҳарларининг инвести-ция, экспорт, сайёҳлик ҳамда ло-гистика салоҳияти билан яқиндан таништирилди.

Бизнес форуми доирасида йи-рик sanoat корхоналари, маҳаллий тадбиркорлар ва хорижий ин-весторларнинг тор доирдаги учра-шувлари ўтказилди.

Иштирокчилар қадим "Сармиш-сой" музей қўриқхонасига саёҳат қилиб, унинг бебаҳо экспонатлари — петроглифлар ҳамда дарада сўнги йилларда сайёҳлар учун яратилган шароитлар билан танишди.

Дастлабки натижаларга қўра, бизнес форумида ўнлаб мамлакат-лар ишбилармонлари билан ўзаро ҳамкорлик борасида келишувлар-га эришилди.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»)

ЖАРАЁН 3

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

Ёшим тўқсон саккизда. Касбим — ўқитувчи. Мақтабда болаларга тарих фанидан сабоқ бериб, беш нафар фарзандни вояга етказдим. Ҳозир улар эл-юрт хизматида. 19 нафар неварам, 32 чеварам бор. Барчаси жам бўлса, уйимиз тўйхонага айланади. Уларнинг юз-қўзидаги қувончу бахтиёрликни кўриб, суюнаман. Шу билан бирга, ўзимнинг тақдирини уларниқисга солиштираман. Биз қўрган оғир кунлар кўз ўнгимдан ўтади...

Буларнинг барчаси тинчлик меваси


Ном қурсин, уруш тўғайли энг гуллаган ёшлик чоғларим қийинчиликда кечди. Жанғоғларда қатнашдим. Фашизмнинг аяғичи уқубатларини кўрдим. Қўллаб дўстларимнинг умри бевақт хазон бўлди. Аёллар бева, болалар етимга айланди. Урушнинг даҳияти ҳанузгача ин-этимни тирнади. Шукрки, у кунларнинг барчаси орто қолди. Бугун қарилик гаптини сурияман. Биз, ёши улўғ инсонлар эъзоздамиз. Қаерга бормайлик, давраларини тўрига ўтказишайди. Шоғирларим, дўсту биродарларим доимо йўқлаб туришайди.

Дунёдаги энг олий неъмат тинчликдир. Бун қар қадамда кўриб, ҳис қилиб турибиз. Кун қеча набарамнинг етовиди у ўқийдиган мактабга бордик. Оқиғи, ёшларга жува ҳавасим келди. Ёруғ ва шинам хоналарда дарс ўтаётган ўқитувчилар, ўқувчилар билан дилдан сўхбатлашдик. Баракат тоғуғ, ҳозирги ёшларнинг ҳаммаси уйдабурон, ақлли. Билмаган нарсаси йўқ. Улардаги азму ишжоат ғайратимга ғайрат қўшиди. Тодек юксалдик. Яхши ўқиб, Ватанга муносиб фарзанд бўлинглар, деб насабат қилдим. Буларнинг барчаси тинчликнинг меваси-да.

Жабберган ҚАЛАНДАРОВ, уруш ва меҳнат фаҳрийси. Урганч шаҳри

ИННОВАЦИЯ хабарлари

Имтиҳон онлайн режимида кузатилди



Тошкент шаҳридаги Инҳа университетиди 2019 йилдаги учта кириш имтиҳонининг биринчиси ўтказилди.

Университет томонидан 2019/2020 ўқув йилида ка-мида 420 нафар, хусусан, "Компьютер ва дастурий ин-жиниринг" йўналиши бўй-ича 300 ҳамда "Логистика" йўналиши бўйича 120 нафар талаба қабул қилиш мўлжал-ланган. Имтиҳонларни Жанубий Кореядаги Инҳа университети-нинг барча профессор-

ўқитувчилар таркиби назорат қилиб борди. Шунингдек, жараёнга оммавий ахборот воситала-ри ходимлари ҳам тақлиф этилди. Синов бўлаётган ҳар бир аудиториядан тўғридан-тўғри трансляция йўлга қўйилгани боис абитури-ентларнинг ота-оналари ва хоҳловчилар жараёни онлайн режимида кузатиб боришди.

Таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик

Буюк Британиянинг "Pearson Education Limited" компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари "Mirzo Ulug'bek Innovation Center" инновация марказига ташриф буюрди.

Улар мамлакатимизда АТ таълим стандартларини такомиллаштириш бўйича ҳамкорлик қилишларини билдириш-ди. Жумладан, бу борада 1080 та ўқув машғулотини ўткази-ш учун "Ўзбекистонда профессионал таълим стандартла-ри учун дастурий таъминотни ишлаб чиқиш" ҳамда "Ўзбе-кистонда касбий таълимнинг малакали тузилмага" деб номланган иккита асосий йўналиш тақдим этилди. Мута-хассислар ушбу лойиҳанинг афзалликлари, ИТ-таълим соҳа-сидаги мавжуд муаммоларни бартараф этишдаги роли ҳақида маълумот беришди.

Дилмурод СОДИКОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Кун воқеалари қисқа сатрларда

"Bloomberg" Ўзбекистон давлат статистика кўмитасига ҳамкорликни тақлиф қилди. Бу ҳақда Миллий матбуот марказида Ўзбекистон давлат статистика кўмитаси ташкил этган тадбирда маълум қилинди.

"SOS — Kinderdorf International" халқаро жамияти президенти Сиддхарт Каул бошчилигидаги делегация Самарқандга ташриф буюрди.

Жиззах вилоятига Туркиянинг "Almaz Cement" масъулияти чекланган жамияти вакиллари ташриф буюриб, вилоятда цемент ишлаб чиқариш лойиҳасини муҳокама қилди.

Ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Унга қўра, эндиликда нодавлат таълим хизматлари фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия чекланмаган муддатга берилади.

Тошкентда турли соҳаларда ноқонуний фаолият кўрсатаётган 49,6 минг фуқаро даромад солиғи тўловчисига айланди.

Хиндистоннинг "Cine Central" кинематография жамияти ташаббуси билан Калькутта шаҳрида "Янги киноларнинг халқаро форуми" XXXII халқаро кинофестивалида жаҳоннинг 24 давлати каторида Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этмоқда.

Зомин туманидаги "Амир Темур" болалар оромгоҳида "Қадриятлар қадрланган юрт!" шiori остида республика ёшлар туристик фестивали бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси Италиянинг "Irsesa Tor Carbone" институти билан меморандум имзолади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Касаба уюшма кўмитаси Иқтисодиётда ахборот технологиялари кафедраси доценти Ирода Абдуллаевага турмуш ўртоғи

Шухрат ТУРГУНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этиди.

Ургутда замонавий кутубхона очилди

Президентимизнинг 2018 йил 17-18 март кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида Ургут тумани вакиллари туман марказида замонавий кутубхона ташкил қилиш тақлифини билдириганди. Давлатимиз раҳбари томонидан ушбу тақлиф қўллаб-қувватлаиб, мутасаддиларга зиё масканини бунёд этиш юзасидан топшириқлар берган эди.

Эзгулик

Шундан сўнг Ургут тумани марказида кутубхона қурилиши бошланиб кетди. Натжида бир йил ичида барча қулайликка эга

бўлган ахборот-ресурс маркази биноси қад ростлади. Бунинг учун 3 миллиард 600 миллион сўм маблағ сарфланди.



Ахборот-ресурс марказининг очилиши катта тантанага айланаб кетди. Унда сўзга чиққанлар ушбу зиё маскани аҳолининг китобхонлик маданиятини ошириш, ёшлар ўртасида китоб мутолаасини кенг тарғиб қилишда муҳим роль ўйнашини таъкидладилар.

Президентимизнинг алоҳида ғамўрлиги билан бунёд этилган мазкур маърифат маскани туманимиз аҳолисининг энг севимли гўшларидан бирига айланиши, шубҳасиз, — дейди Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси аъзоси Худойберди Комилов. — Сабаби, Ургутда китобсеварлар, ижодга ошно ёшлар жуда кўп. Улар эндиликда бу ерга келиб, китобхонлик бўйича баҳс-мунозаралар ўтказишлари, ижодкорлар билан адабий учрашувлар ташкил этишлари учун барча шарт-шароит яратилган.

Икки қаватли кутубхона биноси 20 га яқин мутолаа заллари, 4 та муҳокама ва компьютер хо-



Алишер ИСРОИЛОВ (ўса) олган суратлар

наси мавжуд. Кутубхона 2000 дан ортиқ бадиий, ижтимоий-сиёсий адабиётлар билан таъминланди. Шунингдек, маърифат масканида 50 та замонавий компьютер, тезкор Wi-Fi тармоғи йўлга қўйилгани, мавжуд адабиётларнинг электрон базаси шакллантирилгани китобхонлар учун қўшимча қулайлик бўлди.

«Халқ сўзи».

ЭКИН МАЙДОНИ ЎША, МУНОСАБАТ ЭСА ЎЗГАЧА

Қуйи Чирчиқ туманининг Сирғали қишлоғида яшовчи, умр бўйи деҳқончилик қилиб келган Бекмирза ота экин-тикин мавсуми бошланганидан буюн ҳар кун набираларидан ҳисобот сўрайди. Ёшлар Муσανнинг ўғлини "Амир кластер", Урозбойнинг кенжасини "Шавкат менежер" деб атаганларида ҳайрон бўлади. Яна "Топ-менежер" дегани ҳам бор эмиш. У ҳаммасидан катта экан.

Кластер тизими

Ёшлар ишлатаётган айрим ибораларга отахоннинг тили келишмайди. Тўқсон билан тўқнашаётган Бекмирза бобо тилимизга дадил кириб келаётган бу сўзлар қишлоққа том маънода янгилик олиб келаётганидан мамнун бўлиб дуога қўл очади.

Утган йилнинг декабрь ойида Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Қуйи Чирчиқ туманида ташкил этилган "Tashkent Cotton Textile cluster" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги корхонага пахта хом ашёси, бошоқли дон, чорва ҳамда балиқ маҳсулотлари етиштиришни ташкил этиш учун доимий эгаллик қилиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқи билан 35,4 гектар сўғориладиган ер ва 3,1 гектар қўл ажратиб берилди.

Янги кластернинг дастлабки устав капитали Буюк Британиянинг "Paraglide limited", Россия Федерациясининг "Петромаруз Капитал" компаниялари бадаллари ҳисобидан шакллантирилди.

Кластер таркибида тўртта агрокорхона бор. Шулардан бири шолчиликка ихтисослаштирилган "TCT Rice" масъулияти чекланган жамиятидир. Мазкур корхонага Чирчиқ дарёси соҳилларининг Сурум, Эркин, Сирғали қишлоқлари худудларидаги ботқоқ ва тошлоқ майдонлари бириктирилган.

Асосан, шолчиликнинг мўлжалланган бу ерда ўтган йили 160 та фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатган эди, — дейди таърибчи деҳқон Дониёр Раимқулов. — Агротехника тадбирлари рия қилинмагани, экинларга вақтида ишлов берилмагани туфайли ҳосилдорлик бутунлай пасайиб, гектарига 20 центнерни ташкил қиларди.

Янги тузилма ўз фаолиятини деҳқонларни қийнаб келаётган энг долзарб муаммони ҳал этишдан бошлади. Шолчилик маҳаллий аҳоли тили билан айтганда, сув билан тирик. Шу боис қиш-қировли кунларда 30 та ма-

сус техника билан умумий узунлиги 410 километр бўлган ариқ ҳамда зовурлар тозаланди. Ваҳолонки, қамиш ва сув ўтлари босиб кетган бу сўғорилган тармоқлари кейинги 20 йил ичида бирор марта ҳам тозаланмаган экан.

Дарвоқе, шолчиликка ихтисослаштирилган корхонага 280 нафар қишлоқ аҳолиси ишга қабул қилинди. Уларнинг 80 фоизи — ёшлар. 200 нафарига солиқ тўловининг идентификацион рақами белгиланди. Тўғри, улар аввал ҳам меҳнат қилган, лекин фермернинг ёлланма ишчиси сифатида меҳнат дафтрасига эга бўлишмаган.

Рағбат меҳнатга бўлган муносабатини ҳам кескин ўзгартирди. Ёшларда заминга, мулка бўлган қараш янгидан шаклланди. Бунда уларнинг ойлик иш ҳақи 2 миллион 300 минг сўм қилиб белгилангани, маош беришдаги мунтазамликнинг ҳам муносиб ўрни бор.

Дастлаб янги тузилма нима каромат кўрсатаркан, дегувчилар ҳам бўлди. Лекин иш қўлами кенгайиб, ёшлар бандлиги таъминланиб, уларнинг қўли пул кўргач, унинг афзаллигига тан беришди.

Экин майдонларининг ўзига хос сир-асрорларини шолкорлар сўзлаб бердилар. Масалан, тошлоқ бўлгани учун молани сув босган майдонда торттиш керак. Эртаги экилган шолчи-

Дастлаб янги тузилма нима каромат кўрсатаркан, дегувчилар ҳам бўлди. Лекин иш қўлами кенгайиб, ёшлар бандлиги таъминланиб, уларнинг қўли пул кўргач, унинг афзаллигига тан беришди.

урғичи гектар ҳисобига 150 килограммга кўпайтириш лозим. Сув илигандан кейин бу кўрсаткични 120 килограммга камайтира санади. Похол оладиган мижозлар ҳам бор. Ҳозирданок улар билан шартнома тузиш мумкин. Донни қайта ишлаш комплексини қуришда маҳаллий тадбиркорлар тегиримонлари имкониятларини ҳисобга олиш мақсада мувофиқ. Чунки ақсарият тегиримонлар чет элдан келтирилган.

— Етиштирилган маҳсулотни қайта ишлаш, сотиш, қадрлар бўйича ҳам қатор тадбирларни амалга оширмоқдамиз, — дейди МЧЖ раҳбари Ихтиёр Деҳқонов. — Бу ишларда биз тажрибали деҳқонлар, Шолчилик илмий-тадқиқот институти олимлари хулосаларига таянмоқдамиз.

Институт олимларининг тавсияси билан шолчиликка Жанубий Корея ва Исроил технологиялари жорий қилинмоқда. Экинга ишлов бериш учун қўлланмадиган ҳар бир препарат аввалдан апробациядан ўтказилмаган бўлди.

Шоли майдонларига уруғ тушиди. Табиий шароит аввалгидек, лекин муносабат бутунлай ўзгача. Уларнинг барчаси деҳқончилик маданиятини кўтаришга, мўл ҳамда рақобатдош ҳосил етиштиришга, уларни чуқур қайта ишлашга ва пировағида қишлоқ аҳли турмуш фаровонлигини кескин оширишга хизмат қилади.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ («Халқ сўзи»)

СОҒЛОМ ОНАДАН СОҒЛОМ ФАРЗАНДЛАР ДУНЁГА КЕЛАДИ

Мамлакатимизда оила муқаддас даргоҳ сифатида эъзозланади. Негаки, унда умуминсоний, диний ва миллий қадриятлар ўз ифодасини топган. Аждодларимиздан мерос тарбия жараёнида муҳим аҳамият касб этувчи гузал анъанаю урф-одатлар, минг йиллардирки, оила шароитида ҳаёт синовларидан ўтиб келмоқда. Зотан, оиланинг энг асосий вазифаларидан бири — инсоният шажарасини соғлом ва иқтидорли авлодлар билан давом эттиришдан иборат.

Маънавият

Президентимизнинг 2019 йил 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам ушбу олижаноб ишларнинг мантикий давоми бўлди.

Карорга мувофиқ, болаларнинг рўйхатда туриш жойи ва фуқароликдан қатъи назар, уларга барча ижтимоий, тиббий, ҳуқуқий хизматлар кўрсатилади. Бундан ташқари, болаларнинг давлат органларига бевосита қилган muroжаатларини қўриб қиқш қаролатилгани ва бола тўлиқ муомала лаёқатиغا эга эмаслиги вақтлари билан бу турдаги muroжаатларни кўрмасдан қолдиришга йўл қўйилмайд.

Яна бир аниқлик, 2019 йил 1 сентябрдан эркаклар ва аёллар учун никоҳ ёши ўн саккиз ёш этиб белгиланди. Айтиш жоизки, ушбу ўзгариш бўлажак оналарга ҳар томонлама гамхўрлик кўрсатиш, туғилмаган болаларнинг соғлом бўлишига алоҳида диққат қаратаётганининг ёрқин мисолидир.

Исломи динида ҳам туғилмаган фарзанднинг маънан етуқ, жисмонан соғлом бўлишига алоҳида эътибор берилган. Болага гузал тарбия бериб, камолот сари етаклаш, соғ-саломат вояга етказишда эса онанинг ўрни беқим.

Она — фарзандимиз тарбиячиси, хонадонимиз бекаси, уйимизнинг кўрку чироғидир. Аёл, биринчи навбатда, меҳрибон онамиз, мушфиқа жуфт ҳалолимиз, муниса опа-сингилмиз, суюли қизимиздир. Қачонки аёл ҳаётда жисмонан соғлом, маънан баркамол бўлса, демаски, жамият ҳам соғлом бўлади. Чунки келажак меваси ҳисобланмиш фарзандлар оналар сабабли дунёга келади. Уларга бошланғич таълим-тарбия ва одоб-ахлоқни ҳам, асосан, оналар ўргатади. Шундай экан, келажак авлоднинг қанчалик солиҳ бўлиши бугунги

оналарнинг нақадар солиҳа бўлишига боғлиқ.

Сарвари коинот Пайгамбаримиз Мухаммад саллоллоху алайҳи васаллам ҳадиси шарифда: “Жаннат — оналар овғи остидадир”, деб марҳамат қилганлар.

Абдулла Авлоний: “Баданинг саломати ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадир. Чунки ўқимок, ўқитмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалисиз жасад лозимдур. Фикр тарбияси учун маҳкам ва соғлом вужуд керакдир”, деб таъкидлаган. Бу, айниқса, оналар учун муҳим эслатмадир.

Динимизда аёл-қизлар, оналар ва болалар соғлиғига алоҳида эътибор қаратилади. Эро, фарзанднинг соғлиғи онанинг соғлиғига боғлиқ. Агар она соғлом бўлса, фарзанди ҳам соғлом туғилади. Бу эса жамият ва давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Соҳибқирон Амир Темур бундай дейди: “Уғилларим, набираларим ва яқинларимни ўйлантирмоқ ташвишда келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан камолотини аниқладим. Келин бўлмиш насл-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина, эл-юртга катта тўй-томоша бериб, тўй тушурдим”.

Солиҳ, пок зурриёт сўраш ҳақида Аллоҳ таоло бундай дейди: “Уша жойда Закариё Раббига илтижо қилиб, деди: “Раббим, менга (ҳам) ўз хузурингдан пок зурриёт ато эт! Дарҳақиқат, Сен дуони эшитувчи-

дирсан” (Оли Имрон сураси, 38-оят).

Исломи дини оналарни, умуман, аёлларни эъзозлайди. Шунинг учун шариатимизда туғилганларидан умрларининг охиригача улар ҳақида гамхўрлик қилиш эркаклар зиммасига юклатилган. Аёллар турмушга чиққунча оталари, никоҳдан сўнг эса эрлари қарамоғида бўлади. Уларнинг моддий ва маънавий таъминотлари маҳрамлари зиммасига юклатилади.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

“Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Онаси уни (хорнида) қийналиб кўтариб юрган ва уни қийналиб туққандир” (Аҳқоф сураси, 15-оят).

Баъзи инсонлар ислом дини қизларни барвақт узатишга қақиради, деган нотўғри тушунчада юрадилар. Бу — хато гап. Исломда балоғатга етмаган, турмушга тайёр бўлмаган ўсмир қизларни узатиш керак, деган гап йўқ. Айтиш жоизки, ҳозир шифокорлар ёш қизлар турмушга тайёр эмаслиги, ҳомиладорлик ва туғуқ ҳолатида қийналиб қолаётганини таъкидламоқдалар.

Ушбу оятларда онанинг ҳомиладорлиқ пайтида қанчалик машаққат тортиши зикр қилинган. Аёллар, агар юқорида айтилганидек, ҳомиладор ёки эмизилик бўлса, динимизда уларнинг ва фарзандларининг саломатлиғига зиён етмаслиги учун хатто ибодатларда енгиллик берилган.

Набий саллоллоху алайҳи васаллам айтдилар: “Албатта, Аллоҳ таоло мусофирдан намознинг ярмини, мусофир, ҳомиладор ёки эмизилик аёлдан рўза ёки рўзаларни кечкиртди (орқага сурди)”.

Ушбу ҳадисда Набий саллоллоху алайҳи васаллам ҳомиладор ва эмизилик аёллар тугган рўзаси сабаб бўлиб, ундан ўзига ва фарзандига зарар етмайдиган бўлса, уларнинг саломатлигини сақлаш мақсадида тутмай туриши жоиз эканини айтиб ўтмоқдалар.

Бу борада “Хидоя” китобида шундай келтирилади: “Ҳомиладор ва эмизувчи аёл ўзига ёки гўдагига зарар етишидан қўрқса, рўзасини

(ҳаражни даф қилиш учун) очаве-ради ва қазосини тутади. Зиммасига қаффорат лозим бўлмайди. Чунки у узр туфайли очилди. Унга фида ҳам вожиб эмас”.

Аллоҳ таоло Куръони каримда оналарга фарзандларни эмизишга буюриб, шундай марҳамат қилади: “Оналар болаларини тула икки йил эмизадилар...” (Бақара сураси, 233-оят).

Аллоҳ таоло ушбу ояти қарима орқали чақалоқни икки ёшгача эмизиш болага ва онанинг саломатлиғига нақадар фойдали эканига ишора қилиб, оналарга эмизиш таълимини ўргатмоқда.

Оятнинг маъноси хабар, яъни дарак гап маъносидан бўлса-да, аслида буйруқни ифода қилади. Чунки эмиш — гўдакнинг ондағи ҳақи. Бунга амал қилиб, икки йил гўдакни она сuti билан боқиб, икки йил эмизиш нақадар зарурлиги ва фойдали экани барчамизга маълум.

Ханафий мазҳабининг мўътабар мабаладиларининг “Дуррул мухтор” китобининг “Никоҳ фасли”-

да бундай дейилади: “Одамзодга никоҳ ва имондан бошқа хатто жаннатда ҳам давом этадиган ибодат йўқ. Оила шундай саодатбахш бир боғки, у хатто жаннатда ҳам давом этади. Ҳар қандай шартнома маълум муддатдан сўнг кучини йўқотди, аммо бир-бирларидан рози бўлган умр йўлдошларнинг биргаллиқдаги ҳаёти ўлим билан ҳам туғаймайди”.

Баъзи инсонлар ислом дини қизларни барвақт узатишга қақиради, деган нотўғри тушунчада юрадилар. Бу — хато гап. Исломда балоғатга етмаган, турмушга тайёр бўлмаган ўсмир қизларни узатиш керак, деган гап йўқ. Айтиш жоизки, ҳозир шифокорлар ёш қизлар турмушга тайёр эмаслиги, ҳомиладорлик ва туғуқ ҳолатида қийналиб қолаётганини таъкидламоқдалар.

Эрта турмушга чиққан қизларнинг ақсариятида камқонлик, камқувватлик кузатилади. Бу ҳол келинларнинг узок вақт бўйида бўлмаслиги, ҳомиладорлик оғир кечиши, гўдаклар нобуд бўлиши ёки

туғуқдан кейинги турли асоратларга, хатто бепуштлиқка олиб келиши мумкинлигини шифокорлар таъкидлайди.

Маълумки, мамлакатимизда оналик ва болаликнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ҳимоя қилиниши таъминлаш, хотин-қизларнинг турмуш шароитини яхшилаш, жамият ҳаётининг барча жабҳасида иштирок этишга муносиб шароит яратишнинг мустахкам ҳуқуқий кафолатлари мавжуд.

Давлатимиз яратётган бу каби шароитлар соғлом турмуш тарзини шакллантириш орқали оила мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган. Эро, оилада йигит ва қиз ўз вазифаси ҳамда масъулиятини адо этиши, соғлом зурриётларни дунёга келтириши учун, аввало, ўзлари соғлом бўлишлари керак. Ҳозирги кунга келиб, ёш келин-қуввнинг соғлом ва баркамол бўлишининг аҳамиятини ақсарият ота-оналар тушуниб етди.

Турмуш қуриш учун ўшлар жисмонан, руҳан ва маънан соғлом бўлиши керак. Икки ёш бир-бирини тушуниб, қийинчилик ва қувонч-кунарни биргалликда ҳамнафас бўлиб, меҳр ҳамда муҳаббат билан ўтказиш каби таассуротлар асосида турмуш қуриши мақсадаги мувофиқ. Турмуш хатосиз бўлиши учун эса сабр-қаноат, масъулият, билим ва уқув зарур.

Эрта турмуш қуришда қиз боланинг мустақиллиги ва эркинликлари чекланган. Бунинг оқибатида улар оилада юз берадиган муаммолар ечимини тўғри ҳал этишга қийналадилар, дунёга келган фарзандларини парваришлаш ва тарбиялашда қийинчиликларга дуч келадилар. Шунга қарамаздан, афсуски, айрим ота-оналар ўз орзу-хавасларини устун қўйиб, фарзандларини эрта никоҳга ўз қўллари билан топширадилар. Эрта никоҳ эрта ҳомиладорликка олиб келади. Эрта ҳомиладорлик эса оғир кечиши, туғиш жараёнида она ва боланинг соғлиғи хавф остида қолиши мумкин.

Дарҳақиқат, она ва фарзандларнинг ақдан ҳамда маънан етуқ, жисмонан соғлом бўлиши жамиятнинг бахт-саодатидир. Аллоҳ таоло муҳтарам оналаримизни соғ-саломат айласин, азиз фарзандларимизни ўзининг ҳифзу ҳимоясида сақласин!

Шайх Абдулазиз МАНСУР,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари.

«Халқ сўзи».

Заминимизнинг ноёб дурдоналари

Наманганда «Кўҳна замин дурдоналари» номли кўчма кўргазма ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вакиллари, Қирғизистон Республикаси «Сулаймон тоо» тарихий-миллий археологик музей мажмуаси масъуллари ҳамда тарихчи олимлар иштирок этди.

Кўргазмада Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида жойлашган «Қўштепа-2» ёдгорлигиндан топилган осоротиқалар намойиш этилмоқда.

— Экспонатлар бизда катта қизиқиш уйғотяпти, — дейди Қирғизистон Республи-

каси «Сулаймон тоо» тарихий-миллий археологик музей мажмуаси директори Султонбек Абдирақманов. — Негаки, ушбу ёдгорликлар қирғиз халқининг ҳам тарихи ва маданиятига чамбарчас боғлиқ. Эндilik-да Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи билан доимий алоқаларни йўлга қўямиз.

Иштирокчилар Тўрақўрғон туманидаги Исҳоқхонтўра Ибрайт уй-музейига, Ахсиент ёдгорлиғига ташриф буюришди.

«Халқ сўзи».

МАДАНИЯТ хабарлари

Икки эл фарзанди

Қирғизистоннинг Уш шаҳрида ўзбек ва қирғиз халқларининг сеvimли шоири Турсунбой Адашбоев таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан қатор тадбирлар ўтказилди.

Уш давлат университетда ташкил қилинган “Икки эл фарзанди” мавзудаги халқаро конференцияда шоирнинг эзгу гоғлар тараннум этилган асарлари одамлар калби-дан чуқур жой олиб, уларни яхшилик соғиниб яшашга, ўзаро меҳр-оқибатли бўлишга ундаб келаятгани таъкидланди.

Заҳириддин Мухаммад Бобур номидаги Уш драма театрида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Иход” фонди томонидан нашр этилган “Турсунбой Адашбоев замондошлар

хотирасида” китоби тақдими ўтказилди. Уш шаҳар кутубхонасида уюштирилган ўзбекистонлик ва қирғизистонлик ёзувчи-шоирлар ҳамда ёшлар урғашувиде атоқли шоир шеърларидан намуналар ўқилди.

Дилмурод ҚИРГИЗБОВЕВ,
журналист.



Мақсадли сармоялар самараси

Тадбиркор бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади. Президентимизнинг ушбу таъбири замирида ишбилармон юртдошларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга амалий кўмак беришдек эзгу мақсадлар мужассам. Шу боис молия муассасалари аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, хусусий сектор вакилларининг истиқболли лойиҳаларини кредитлаш масаласига алоҳида аҳамият қаратмоқда.

Мазкур жараёнда “Агробанк” акциядорлик тижорат банки ҳам фаол иштирок этаётир. Бундан ўз бизнесини йўлга қўйишга ёки кенгайтиришга муваффақ бўлган ишбилармонларимиз ҳам, доимий даромад манбаига эга фуқароларимиз ҳам, иқтисодийёт барқарорлигига эришаётган давлатимиз ҳам манфаатдор.

Яқинда ҳудудларда “Агробанк”нинг молиявий кўмағида фаолиятини бошлаган тадбиркорлик субъектлари ишини ривожлантириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самаралари билан яқиндан танишиш мақсадида медиа-тур ташкил этилди. Унда банкнинг аҳоли ва мижозларига тезкор, ишончли, замонавий банк хизматлари кўрсатаётгани қайд этилиши баробарида, йирик тадбиркорлик субъектларининг экспорттоб маҳсулотлар тайёрлашга йўналтирилган истиқболли лойиҳаларини молиялаштиришга қаратилган самарали фаолия-

ти эътироф қилинди. Хусусан, жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига қўра, банк томонидан ажратилган инвестициявий кредитлар қолдиғи 4 триллион 974 миллиард сўмини ташкил этди. Мазкур маблағлар, асосан, саноат, қишлоқ ҳўжалиғи, қурилиш каби соҳаларга йўналтирилди.

Бинобарин, “Агробанк” ўтган йили халқаро молия институтларидан 30 миллион АҚШ долларини миқдорда кредит линиясини жалб қилган бўлса, жорий йил биринчи чорағида бу кўрсаткич 191 миллион долларни ташкил этди. Бундан ташқари, жорий йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Германияга ташриф доирасида ўтказилган бизнес форумида “Landesbank Baden-Wuerttemberg” ҳамда “Commerz Bank AG” банклари кредит линиясидан 171 миллион доллар жалб қилиш бўйича шартномалар имзоланди. Ўз навбатида, Хитой Эксимбанк кредит линиясидан 20 миллион доллар миқ-

дорида маблағ жалб этилди. Унинг ҳисобидан январь — март ойларида 20 та лойиҳа рўёби учун 41,7 миллион доллар кредит ажратилди.

Айни вақтда “Агробанк” Хусусий секторни ривожлантириш бўйича ислом корпорацияси, Швейцариянинг Кредит Суис банки, Хитой давлат тараққиёт банки, Австриянинг “Raiffeisen Bank”и ва бошқа нуфузли молия муассасалари билан кредит линиясини жалб қилиш бўйича қатор келишувларга эришмоқда.

Медиа-тур давомида ОАВ ходимлари банкнинг молиявий кўмағида фаолият бошлаган тадбиркорлик субъектларида бўлишди. Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги “Maxim gold tex” акциядорлик жамияти шулардан бири.

— “Агробанк”нинг 132,7 миллиард сўмлик кредити эвазига 2012 йилда фаолиятимизни йўлга қўйган эдик, — дейди корхона раҳбари Ҳасан Абдуллаев. — Технологик линиялари-



миз пахта толасидан калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Махсулот сифатини янада ошириш мақсадида 2014 йилда банкдан яна 6 миллион доллар сармоя олдик. Бунинг эвазига Туркия ва Европадан энг илгор ускуна ҳамда хиҷозларни харид қилдик. Натижда йилга 7 минг 500 тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга бўлдик. Ишчилар сони 250 нафарга етди. Ўтган йили 51 миллиард сўмлик махсулот тайёрлаб, асосий қисмини экспортга чиқардик. Журналистлар Паркент туманидаги “Soft gigenik” масъулияти чекланган

жамиятининг ишлаб чиқариш жараёни билан ҳам яқиндан танишдилар. 2009-2010 йилларда фаолият бошлаган мазкур корхона “Агробанк”дан 395 минг доллар миқдорда кредит олган. Кейинчалик МЧЖга бизнесини кенгайтириш учун яна кредитлар ажратилган. Ҳозир бу ерда “Lalaku”, “Soft Prima”, “Safara” ва “Johny baby” брендлари асосида болалар гигиеник воситалари ишлаб чиқарилмоқда. 200 дан зиёд кишилар иш билан банд. Махсулотлари Туркия, БАА, Қирғизис-

тон, Тожикистон, Туркменистонга экспорт қилинмоқда.

— Банка кредит сўраб келувчи мижозлар кўпчилиги гувоҳимиз, — дейди “Soft gigenik” масъулияти чекланган жамияти муассиси Ҳабибулла Абдиев. — Бироқ қарз сўраб келган одамнинг лойиҳаси истиқболлими, пулни қайтариш қобилияти қандай, банк ишончли оқлайди, деган саволларга жавоб топа оладиган мутахассис ҳар икки томонга ҳам манфаат келтиради. Ваҳоланки, банк ўз ресурсини керакли жойга ишлатмаса, пул айланмаси камаяди, қотиб қолиб, фақатгина пул сақловчи вазифасини бажаради. Пулни эса ҳаракатлантириш лозим. Сармоядан мақсад эса яхши гоёси бор, лекин маблағи етишмаётган одамни қўллаб-қувватлаш. Ахир, нон ҳамиртурушисиз мазали чиқмайди. Тадбиркорлик ҳам ақсарият ҳолларда ана шундай “ҳамиртуруш”, яъни кредитга боғлиқ бўлиб қолади.

Медиа-тур иштирокчилари корхоналарнинг иш фаолияти билан танишиб, “Агробанк” сармоялари мақсади йўналтирилаётгани, бундан нафақат тадбиркорлар, балки бутун жамият наф қураётганига гувоҳ бўлидилар.

«Агробанк» АТБ матбуот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 59 470 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тадбирията келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайлади.
Газетанинг ётақиб берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жаобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” навирийёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 23.15 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6